



Ислом Нури

розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки сажда орасида: «Аллоҳуммағфир лий, варҳамний ва ʼафийий, ваҳдиний, варзуқний» дер эдилар. (Маъноси: Парвардигоро, мени мағфират қил, менга раҳм эт, менга офият (саломатлик) бер, мени ҳидоят қил ва менга ризқ ато эт.)

Шарҳ:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларини биринчи саждадан кўтарсалар иккинчи саждага шошмасдилар, балки икки сажда орасида ўтириб, умматларига таълим берган дуолар билан Аллоҳ таолога дуо қилар эдилар. Бу ўтиришга намозини яхши ўқимаган кишини ҳам буюриб шундай деганлар: «**сўнгра бошингизни саждадан кўтариб, хотиржам ўтиринг**». Бу ўтиришни баъзи мазҳаблар рукн деган бўлсалар бошқалари вожиб деганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Икки сажда орасида ўтириш намознинг рукнларидан.
2. Икки сажда орасида хотиржамлик билан ўтириш вожиб.
3. Ҳадисларда келган дуоларни икки сажда орасида ўтирганда гоҳо унисини гоҳо бунисини айтиш суннат.